

Инвестициялар ва қурилиш статистикаси
бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Навоий вилоят статистика бошқармаси Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) ҳудудий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим фаолияти инвестициялар ва қурилиш соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган. Бўлим ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари ва ҳудудий статистика органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фаолиятни мувофиқлаштириш, функционал тартибга солиш соҳасида:

иқтисодиётдаги инвестициялар ва қурилиш ҳажмларининг статистик ҳисобини юритишда қиёсий таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайёрланишини таъминлаш ҳамда инвестициялар ва қурилиш статистикаси соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ва давлат статистика кузатувлари тизимини режалаштириш, ривожлантириш ва жорий этиш бўйича ишларига таклифлар киритиш;

инвестициялар ва қурилиш соҳасида иқтисодий жараёнларни ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

инвестициялар ва қурилиш статистикаси доирасида Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилишини таъминлаш;

Вилоят статистика бошқармаси, бўлимлари ҳамда ҳудудий статистика органларининг инвестициялар ва қурилиш статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

б) халқаро стандартларга мувофиқ, инвестиция ва қурилиш соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишда таклифлар бериш ;

илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий принципларига мос келадиган ягона статистика методологияси ва инвестиция ва қурилиш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда давлат статистик кузатуви шакллари тақомиллаштириш бўйича таклифларни киритишни ташкиллаштириш;

инвестиция ва қурилиш фаолияти ҳолати ва ривожланиши бўйича статистик маълумотлар фойдаланувчиларининг талабларини ўрганиш ва Инвестиция ва қурилиш статистикаси бошқармасига таклилар киритиш;

бўлим статистик ҳисобот шакллари кўрсаткичларини мукамаллаштириш юзасидан корхона ва ташкилотлар таклифларини ўрганиш; ҳисобот шаклларига мос ўзгартиришларни киритиш юзасидан керакли таклифларни киритиш;

в) статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича докладлар, тезкор маълумотлар, статистик тўпламлар ва бир марталик маълумотларни тайёрлаш, инвестиция дастур бажарилишини бориши юзасидан мониторинг олиб бориш;

г) статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари, шунингдек бошқа фойдаланувчиларни инвестиция ва қурилиш фаолиятига тегишли маълумотлар билан таъминлаш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси масалалари бўйича ҳудудий статистика ходимлари учун маслаҳатлар ва семинарларни ташкил этиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўлими ходимларининг инвестициялар ва қурилиш статистикаси масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва қиёсийлигини таъминлайди, соҳага оид статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимини такомиллаштиради;

инвестициялар ва қурилиш статистикаси доирасида давлат статистика кузатуви шакллари, уларни тўлдириш тартиблари бўйича тушунтиришларни услубий йўриқнома ва қўлланмаларга асосланган тарзда иш юритиш, статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

статистик тўпламлар ва маърузалар учун инвестициялар ва қурилиш фаолияти бўйича маълумотларни тайёрлайди;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, вилоят статистикаси бошқармаси раҳбарияти топшириғига асосан, ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

инвестициялар ва қурилиш соҳаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни амалга оширади, давлат статистика ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этилишини йўлга қўйиш ва юритишни таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инвестициялар ва қурилиш статистикаси соҳасида кузатувларни ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш масалалари бўйича Инвестициялар ва қурилиш бошқармасига таклифлар киритиш;

бўлимга юклатилган функцияларни бажарилиши учун керакли бўлган маълумотларни бошқарманинг тармоқ бўлимларидан, шунингдек шаҳар(туман) статистика бўлимларидан олиш;

инвестициялар ва қурилиш статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини йиғиш муддатларини мақбуллаштириш, уларни қайта ишлаш, тўлиқлилигини таъминлашни амалга ошириш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш; инвестициялар ва қурилиш соҳасига оид статистик маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш; ташкилот ва давлат сирларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, Навоий вилояти статистикаси бошқармаси низоми мазкур Низом, Вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Навоий вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, бўлимнинг иш режаси ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Навоий вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

11. Бўлим бошлиғи:

бошқарма раҳбарияти томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Давлат статистика қўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

инвестициялар ва қурилиш статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлайди;

ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли маълумотларни Давлат статистика қўмитаси тегишли бошқарма (бўлим)ларидан, корхона ва ташкилотлардан олади;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда корхоналар ва ташкилотларда вилоят статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

12. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

статистик кузатувларни ташкил этиш ва амалга оширади;

маърузалар ва статистик бюллетенлар учун маълумотлар тайёрлайди;

ўз ваколати доирасида бўлимда ва шаҳар(туман) статистика органларига юзага келган саволлар бўйича амалий ёрдам кўрсатишда қатнашади;

инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўйича ахборотларин Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилади ва чоп этади;

инвестициялар ва қурилиш статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлайди;

ҳудудий статистика органлар томонидан, инвестициялар ва қурилиш статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштиради;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, инвестициялар ва қурилиш статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Пудрат ташкилотлари танлови бўйича тендерларда иштирок этади.

13. Бўлим етакчи мутахассиси:

Статистик кузатув шакллари, кузатув сўрономаларини тўлдириш бўйича тушунтиришларни, инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича услубий низомларни ҳудудий статистика органларига тушунтириш ишларини олиб боради;

Статистик кузатув шакллари бўйича дастурий таъминот учун чиқувчи жадвалларни тайёрлайди;

Ташкилотларнинг инвестиция ва қурилиш масалалари бўйича таҳлилий ишларни олиб бориш, инвестиция ва қурилиш статистикаси масалалари бўйича алоҳида маърузалар ва ахборотлар тайёрлайди, шунингдек, Навоий вилояти иқтисодий ривожланиши бўйича жадвалли маълумотларни тайёрлашда иштирок этади;

Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича Давлат статистика қўмитасининг Инвестиция ва қурилиш статистикаси бошқарма ва бўлимларига статистик маълумотлар тақдим этади;

Муассасалар, корхона ва ташкилотлардан келган хатларга жавоб тайёрлаш, инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича, раҳбарият ва ташкилотларга тушунтириш материаллари тайёрлайди;

ҳудудий статистика бўлимларига инвестиция ва қурилиш статистикаси методологияси бўйича услубий ва консультатив ёрдам беради;

Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича динамик қаторларни юритади;

ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли маълумотларни белгиланган тартибда туман (шаҳар) статистика бўлимларидан, тегишли корхона ва ташкилотлардан, ҳамда Давлат статистика қўмитасининг Инвестиция ва қурилиш статистикаси бошқармаси ва бўлимларидан олади;

статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаб чиқиш ва чоп этиш тизимини такомиллаштиради;

кирувчи ва чиқувчи маълумотларни назоратини олиб боради;

маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўйича ҳисоблашларни амалга оширади;

ишлаб чиқаришда юзага келган саволлар бўйича бўлим бошлиғи топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажаради;

статистика соҳасида давлат сирларини сақлаши ва алоҳида статистик маълумотларнинг махфийлигини сақлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

14. Бўлим 1-тоифали мутахассиси:

Давлат статистика кузатуви шакллари шакллантириш ва ишлаб чиқиш ва мукаммаллаштириш бўйича ишларни ташкиллаштиришда иштирок этади;

Статистик кузатув шакллари бўйича дастурий таъминот учун чиқувчи жадвалларни тайёрлайди; Давлат статистика қўмитаси томонидан чиқариладиган статистик тўпламлар жадвалларини тўлдиради;

Бошқарма фаолиятига тегишли функционал вазифаларни бажаришда таҳлилий ёндашади;

Навоний вилоят ижтимоий - иқтисодий ривожланиши бўйича жадвалли маълумотлар, изоҳли хатлар ва қўлланма материалларини тайёрлашда иштирок этади;

Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича Давлат статистика қўмитасининг Инвестиция ва қурилиш статистикаси бошқарма ва бўлимларига статистик маълумотлар тақдим этади;

Топширилган иш участкаси бўйича динамик қаторларни юритади;

Пудрат ташкилотлари танлови бўйича тендерларда иштирок этади;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, инвестициялар ва қурилиш статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, ўзига бириктирилган вазифалар бўйича статистик маълумотларни умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўйича ўзига бириктирилган ҳудудий статистика бўлимлари томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

ҳудудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.